
“ХУНАРМАНДЛАР МАРКАЗИ” ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Данғара туманида ҳунармандларнинг эркин ижод ва меҳнат қилишини таъминлашга хизмат қилувчи “Хунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига амалий ташрифи давомида берилган топшириқларига асосан Данғара туманида “Хунармандлар маркази” қуриб фойдаланишга топширилди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Авазбек Ўринбоев, туман ҳокими Шухратжон Тоҳихакимов, сектор раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

“Хунармандлар маркази”да атлас ва адрес тўқиши, гиламчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек марказнинг биринчи қаватида тайёр маҳсулотлар кўргазмаси, подиум ўрин олган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-09-13 08:06:48